*Илдизлари теран дарахт*

# МУШТАРАК ҒОЯЛАР ЙЎЛИДА

**Қадрли газетхон, Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Диёримизда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллат ва элат вакилларининг турмуши, яшаш шароитлари, маданиятлари, ўзига хос анъаналарини сақлаш, янада ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш мамлакатда ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Зеро, Юртбошимиз, алоҳида таъкидлагани каби «Зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиладиган бу масала кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун жуда долзарбдир».**

**Ушбу тарихий ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда юртимизда, миллий муносабатларни уйғунлаштириш, миллатлараро барқарорликни таъминлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ юртимизда тинчлик ва тотувлик сақланиб, эркин ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш учун кафолатланган шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон фуқароларининг миллати, дини ва ирқидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги конституцион тарзда кафолатланган.**

**Газета ушбу рукнни яна давом эттириб, бу галги ҳикояни Фарғона вилоятига бағишлади.**

## УЙҒУНЛИК

Юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элатлар бирлигини мустаҳкамлашнинг оқил, синалган йўллари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мустақиллик меваси бўлган миллий-маданий марказлар миллий негизда, ўз миллий тили, миллий маданияти, анъаналари, расм-русумларини тиклаш асосида иш олиб бораётган тизимга айланганлиги туфайли ҳам миллатлараро муносабатлар дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг муҳим бўғини сифатида ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Тарихдан бизга яхши аёнки, бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қарашларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини кўра олмайди. Маданий қадрият, миллий мерос минг йиллар мобайнида халқларимиз учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Уларни тиклаш, миллий ўзликни англаш халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараёндир.

Вилоятимизда 100 дан ортиқ миллат ва элатлар муштарак ғоялар руҳида аҳил-иноқ яшамоқдалар. 2 миллион 650 мингга яқин аҳолининг 2 миллион 300 мингга яқинини ўзбеклар, 150 мингини тожиклар, 87 мингини руслар, 56 мингини қирғизлар ва бошқа миллат ва элатлар ташкил этади. Вилоятда славян, қирғиз, корейс, уйғур миллий маданий марказлари фаолият кўрсатяпти. Фуқаролараро аҳиллик, миллатлараро ҳамжиҳатликни янада яхшилаш, ҳар бир миллатнинг қадриятлари, урф-одатлари, тили, тарихи, маданиятини асраб-авайлаш учун янада кўпроқ шарт-шароит яратишга ҳаракат қилинаяпти.

Шу ўринда вилоятимизда 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда дунёдаги 40 дан зиёд мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида Юртбошимиз раҳнамолигида зўр тантаналар билан ўтказилганлигини, унда барча миллат вакиллари иштирок этганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бу йил эса яна бир муҳим шодиёнага тараддуд кўриляпти. Фиқҳ оламининг ёрқин юлдузи Бурҳониддин ал-Марғиноний тўйи киндик қони тўкилган юртда буюк эҳтиром, иззат-икром билан нишонланади. Бу миллий ғоя, миллий маърифат, маданиятнинг тантанаси, эътирофи эмасми? Шуниси қувончлики, бу тантаналарда вилоятимизда ишлаб турган барча маданий марказлар фаол иштирок этиш истагини билдиришди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий, миллий ва диний қадриятлар, анъаналарни тиклаш, янги босқичга кўтариш, ўзлигимизни англаш нисбатан мураккаб шароитларда, турли қарашлар қаршилигида, янги ижтимоий муносабатлар изчил қарор топаётган бир шароитда шаклланяпти, ҳаётдан ўрнини топаяпти.

Айни чоғда миллатлар ўртасида қарама-қаршилик чиқишига йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳам шундай хавф-хатар мавжуд эди. Фақат Юртбошимизнинг ақл-идроки туфайли, халқимизнинг иродасига, сабр-тоқатига ва инсонпарварлигига таяниб иш олиб борилгани боис оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фожеанинг олди олинди.

Жонажон ўлкамиз, давлатимизнинг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни яратиш ўтиш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади. Тарих миллатнинг тарбиячиси бўлиб қолмоғи лозимлигини Юртбошимиз Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура ва миллий ғоя масалаларига бағишланган йиғилишда алоҳида таъкидлади. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, миллий онгимизни шакллантирмоқда. Бу эса минг йиллар мобайнида Ўрта Осиёнинг маркази бўлган Ватанимиз ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар, дунёқарашлар, турмуш тарзлари туташган ва ёнма-ён тинч-тотув яшаган турли миллат, элатларнинг бешиги бўлиб келганлигини яна бир бор кўрсатади.

Истиқлолимизнинг энг муҳим ютуқларидан бири, барча миллат, халқлар учун «Умумий уй»га асос солинганлиги, янги кўп элатли бирлик вужудга келганлиги бўлди. Ўзбек маданиятининг энг яхши анъаналари қарор топган Фарғона вилоятида маънавий-руҳий қадриятларнинг ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши бу бирликнинг негизини ташкил этди. Вилоятда яшаётган кўп миллатли халқлар ўзбек давлати манфаати йўлида, қўлни-қўлга бериб сидқидилдан, буюк келажак сари дадил қадам ташламоқда.

**М.ҒАФУРОВ,**
**вилоят ҳокими ўринбосари.**

1



## ЎЗБЕКИСТОН – СУЮКЛИ ВАТАН!

Биз — қадимги Турон заминида яшаётган турли миллат вакиллари, ягона Ватанимиз — Ўзбекистон билан фахрланамиз. Кўпчилигимиз шу ўлкада туғилиб, она сути билан ўз маданиятимиз қаторида ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги, яхшилик, меҳмондўстлик, кексаларга ҳурматга асосланган миллий маданиятини ҳам сингдириб олдик. Шуни қайд этиш кераккки, рус, украин ва белоруслар орасида аралаш никоҳлар кўплаб учрайди. Бу байналмилал оилалар натижасида миллатлар маданияти уйғунлиги рўй бериб ажиб бир жозиба касб этади.

Фарғонада «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остида миллатлараро дўстлик фестиваллари ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат қураётган мустақил Ўзбекистон бизнинг ягона Ватанимиздир. Бу муқаддас тушунча, хоҳ у русми, украинми, корейсми, барчанинг қалбида бирдек акс-садо беради.

Фестиваллар, миллий байрамлар, одатда, Аҳмад ал-Фарғоний боғида бўлиб ўтади. Бу ерда корейс, немис, уйғур ва бизнинг славян маданий марказларимиз маънавий ва ижодий истеъдодларини намойиш этишади. Мустақиллик ҳар бир миллат қадриятларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берди. Энди ижодкор, қўли гул одам ўз қалби буюрган иш билан бемалол машғул бўлиши, меҳнати намуналарини рўёбга чиқариши, авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириши имкониятига эга бўлди. Шу имкониятлардан келиб чиқиб, славян халқлари фестивалини ташкил қилсак деган ғоя туғилди. Уни барча раҳбарлар, масъулиятли кишилар қўллаб-қувватлаганидан мамнунмиз. Ахир ниятимиз хонадонларда сақланаётган халқ санъати намуналаридан қўни-қўшнилар, болаларимиз баҳраманд бўлишса... Бу маънавий баркамол инсонни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Михаил ХОРОХОРИН,**
**Фарғонадаги славян маданий маркази раиси.**

## ШУ ЮРТ ТУПРОҒИНИ ТАВОБ АЙЛАБ

Юртимизда рўй бераётган маданий-маърифий ўзгаришлар корейс миллий маданият маркази ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Зеро, ҳар бир халқ ўз миллий қадриятлари, мероси, маданиятини билмай туриб келажак учун мустаҳкам пойдевор қуролмайди. Ҳозирги кунда вилоятимизда 7 мингдан ортиқ корейс миллати вакиллари яшайди. Марказимизнинг асосий мақсади ҳам уларда халқимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида тасаввур уйғотиш, миллий маданияти, урф-одатлари, ҳунармандчилигининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишдан иборат. Албатта, бундай эзгу тадбирларни бугунги замон талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда ташкил этамиз.

Кейинги пайтда бутун диққат-эътиборимизни, имкониятларимизни ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришга, маънавияти, маърифатини юксалтиришга қаратдик. Чунончи, икки йилдан буён Фарғона шаҳридаги жаҳон тиллари гимназиясида корейс тилини ўрганиш курси иш олиб бормоқда. Эндиликда 300 нафардан зиёд ёшлар ўз она тилларида ўқиш, ёзишни мукаммал ўрганиб олдилар. Хуллас, ёшларнинг илм олиши учун зарурий имкониятлар яратяпмиз.

Корейс ёшлари ҳам санъатда гўзаллик яратишга интиладилар. Марказ томонидан Елена Ким Кореяга миллий рақс сирларини ўрганиб келиш учун юборилган эди. Ҳозир у вилоятдаги миллий рақс гуруҳи раҳбари. Шунингдек, марказ қошида тузилган кекса аёллар фолклор ансамбли ўзига хос мавқега эга. Ансамбл қатнашчилари ҳар йили Наврўз, мустақиллик байрамларида миллий «Тано» дастурлари билан иштирок этадилар.

2

Марказ фаолиятининг энг муҳим жиҳати шуки, вилоят ўлкашунослик музейида корейс этнографияси бўлимини ташкил этганмиз. У ерга қўйилган экспонатлар, альбомлар, турли кўргазмалар, фотостендлар барчаси корейс миллий маданиятидан ҳикоя қилиб беради.

Биз бу улуғ ўлкага энди меҳмон эмасмиз. Гарчанд тарих тақазоси, мустабид тузум сиёсати оқибатида келган бўлсак-да, энди биз ана шу она юрт фарзандларимиз. Аждодларимизнинг кўплари шу халқнинг тузини ичиб ўтишди. Шу азиз тупроқдан макон топишди. Биз бу муқаддас тупроқ олдида бир умр қарздормиз. Ҳамма эзгу ишларимиз, эртанги мақсад ниятларимиз ҳам Ўзбекистон тупроғида яшаётган элпарвар инсонлар орзулари билан ҳамоҳангдир.

**Ревмир ЛЯН,**
**вилоят корейс миллий маданияти маркази раиси.**

## БИРЛИГИМИЗ – АҲИЛЛИКДА

Халқимизнинг миллий ўзлигини англаши маънавий қайта тикланиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократиялаштиришга ундовчи зўр куч сифатида хизмат қилмоқда. Бу республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик ё катта бўлмасин, инсониятнинг бойлигидир. Бу миллий бирликнинг, тил, маданий ва бошқа хусусиятларнинг йўқ бўлиб кетиши ер юзида маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боисдан, Президентимиз ибораси билан айтганда, «Ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак».

«Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё минтақасида барқарорликни сақлаб туриш жараёнида этник ва миллатлараро омилларнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги бир қанча ғоят муҳим жиҳатларни ҳисобга олишни тақазо этади. Бу борада ҳар бир минтақада яшаётган халқларнинг этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро мулоқот ва давлатлараро ташқи-сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ижобий жиҳати сифатида майдонга чиқмоқда» — дейди Ислом Каримов. Бунда айниқса, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши, мазмунига кўра инсонпарвар жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, Юртбошимизнинг бу борадаги сиёсати Марказий Осиё давлатларининг асосий миллий манфаатларига тўла жавоб беради.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик базаси яратилди. Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида аниқ кўрсатилган. Унда айтилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Шу муносабат билан Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари фаоллашмоқда. Бундай аҳиллик давлатимизда тинчлик-тотувликни сақлаш ва барқарорликка эришишимиздаги улкан ютуғимиздир.

**Юсуфжон НИШОНОВ,**
**«Халқ бирлиги» ҳаракати вилоят бўлими раиси, профессор.**

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – МИЛЛИЙ ШАКЛЛАНИШНИНГ АСОСИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш талабидан келиб чиқиб, малакали кадрлар тайёрлаш жамиятда миллий ғоя ва мафкура масаласини кун тартибига қўймоқда.

Бу борада Фарғона давлат университетида кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Режалаштириб олинган ишларнинг бир йўналиши миллий ғоянинг асосини ташкил этувчи миллий қадриятларни замон талабидан келиб чиқиб қайта тиклаш, методологик асосларини яратишга йўналтирилган бўлса, иккинчи йўналиш ҳар томонлама етук, бозор иқтисодиёти муносабатларига монанд вазифалар қўйиш ва уларни ечишга қодир, юқори савияда фикрлаш қобилиятига эга, ижтимоий-сиёсий онги юқори бўлган кадрларни тарбиялаб етиштиришга қаратилган.

Миллий қадриятларни қайта тиклаш ҳаракати тарихимиз, маданиятимизнинг пойдеворини яратган улуғ алломаларнинг ҳаёт фаолияти, ижодини илмий-амалий ўрганиш асосида олиб борилмоқда. Маънавий ҳаётимизнинг туганмас бебаҳо хазинасини яратган улуғ мутафаккирлар илмий меросини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Университетда навоийхонлик кечалари, учрашувлар, мулоқот ва баҳслар мунтазам ўтказиб турилади. Биз кўп миллатли жамоамиз. Университетимизда 16 хил миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқдалар. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда умуминсоний қадриятларни шакллантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтказилаётган оммавий тадбирлар ва илмий-амалий конференциялар мана шу мақсадга қаратилган. Шу ўқув йилида Фарғона вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Миллатлараро ҳамжиҳатлик — барқарорлик омили» мавзусида илмий амалий конференция ўтказилди. Жамоамиз турли миллий-маданий марказлар билан яқин алоқа ўрнатишга, уларнинг амалий ишларига ёрдам беришга доимо ҳаракат қилаверади.

**Абдуғаффор ШАРАФУДДИНОВ,**
**Фарғона давлат университети проректори.**

3



## ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ТОМИРЛАРИ ТЕРАН БЎЛАДИ

Ҳар қандай жамият ўзининг янги миллий ғоя, мафкурасини шакллантиришга ҳаракат қилади. Айни чоғда бизда янги жараён кетаяпти. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳозир ҳаётимизнинг кўп соҳаларида янгиланиш – ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Авваламбор халқ таълими тизимини тубдан ўзгартириш, соҳага ўқитишнинг янги илғор технологиясини олиб кириш муҳим. «Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур» деган эди Юртбошимиз. Миллий мафкуранинг шаклланишида маънавият марказларининг имкониятлари беқиёсдир. Маънавият марказлари бевосита ўқувчилар, ота-оналар билан турли мавзуларда маънавий тадбирлар ўтказиладиган муҳим жойдир. Ўқувчиларга дарс жараёнида берила бошлаган маънавий маълумотларнинг узвийлигини, давомийлигини таъминлайди, тўлдириб боради.

«Маънавиятимиз бўсағасида» деб номланган стенд тайёрлаганмиз. Унда энг қадимги маънавий меросимиз ҳисобланувчи «Авесто» китоби ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Кейинги стенд «Маънавият ва маърифат». «Маънавиятимизнинг порлоқ юлдузлари: «Бурҳониддин ал-Марғиноний», «Амир Темур даври маънавияти» кўргазмаларидан ўқувчилар «Маънавият» ва «Маърифат» сўзларининг келиб чиқиши, ўзбек миллий маънавиятимизга ўзларининг улкан ҳиссасини қўшган алломаларимиз ҳақида маълумотлар оладилар.

«Маънавият ва ислом қадриятлари» стенди «Оллоҳ — қалбимизда, юрагимизда» рукни билан бошланиб, диннинг асоси, диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, бунда динни шиор қилиб, ўзининг қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринаётган ваҳҳобийлар ва «Ҳизбут-таҳрир»чиларнинг мақсади очиб ташланган.

Кейинги бўлим «Устоз ва шогирд маънавияти», «Ўқитувчи маънавияти», «Мактаб ва маънавият тарбияси» масалаларини ёритиб бериб, у Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан бошланади: «Илму-маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий, жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчимизни адо этган бўласиз». Худди шу ерда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги маълумот берилган.

Алоҳида бир хонамизда «Қадриятларимиз топмоқда қадр» мавзуси акс этган. «Урф-одатларимиз маънавий бойлигимиз» ҳикматли сўзи билан бошланади. Бу ерда урф-одатларимиз, халқ оммавий санъати, байрамларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу хонада «Камолиддин Беҳзоднинг миниатюра мактаби ва унинг издошлари», «Мактабимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар» мавзуларида кўргазмалари тайёрланган.

«Маънавият ва маърифат» марказимиз қисқа фаолияти даврида анчагина тажриба орттирди. Бу жой нафақат мактабларимизнинг, балки барча халқ вакилларидан иборат маънавиятчиларнинг услубий марказига айланиб қолди. Бу ерга тажриба алмаштириш мақсадида кўплаб тилларда дарс берадиган ўқитувчилар ташриф буюриб турадилар. Мақсадимиз барча миллат ёшларида умуммиллий ғояни шакллантиришдир.

**Дилшод АЛИЕВ,**
**уйғур миллий маркази фаоли, Марғилон шаҳридаги 8-мактаб «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари.**

*Қирғизистондан хат*

## ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Гарчанд қўшни давлатда яшасам-да, ўзбек фарзандиман, юртимга қизиқишим бобомерос туйғудир. Ўзбекистоннинг мени хурсанд этган навбатдаги хайрли ишларидан яна бири Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, миллий мафкура, миллий ғояни юксалтиришга киришганидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида ўтказган шу масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш тафсилотини телевизор орқали қизиқиб томоша қилдим. Миллий мафкура, ислом таълимоти ва маданияти, буюк алломаю саркардалардан тортиб мустақиллик давригача бўлган асл фарзандлар руҳ-поклари шод этилиб, номлари абадийлаштирилаётгани таҳсинга сазовордир. Мустабид тузумнинг мафкуравий қолдиқларидан воз кечилди.

Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида тарихий обидалар қайта таъмирланмоқда. Замонавий халқаро аэропортлар ва бошқа улкан иншоотлар,сарбаланд уй-жойлар қад ростламоқда. Бу катта маблағ талаб этади. Бироқ бугунги сарфланган катта маблағ эртага қопланади. Республикада яна бир шарқона маърифат ўзаги – маҳаллага эътибор кучайгани кишини қувонтиради. Ҳеч бир давлатда оилага, маҳаллага бунчалар катта эътибор билан қаралмаса керак. Бу жуда улуғ иш, албатта. Республикада меҳр-муҳаббат, оқибат, болаларга, аёлларга, карияларга мурувват кўрсатиш борасида ҳам диққатга сазовор ташаббуслар амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод йили» давлат дастури шу интилишнинг гултожиси бўлди.

Ҳа, эл-юртда ўзбекона маънавият негизида янгича дунёқараш, миллий мафкура шаклланмоқда. Миллий маънавият, миллий мафкурани юксалтириш бўйича бошланган кўплаб тадбирлар мени бошқа мамлакатда яшаётган бир ўзбек сифатида ғоят қувонтиради. Бу хайрли ишларга чин дилимдан барака тилайман, ўзбеклигимдан фахрланаман.

Мустақилликнинг тўққиз йили... Бу тарих учун қисқа вақт. Лекин, шу қисқа давр мобайнида Ўзбекистон хомашё етказиб берувчи ўлкадан саноати ривож топаётган мамлакатга айланди. Ўзбекистонда енгил саноат, автомобил ишлаб чиқариш, нефт саноати, тоғ-кон саноати, доришунослик жадал ривожланаяпти. Бундан ташқари, мавжуд кимё саноати қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш, металлургия саноати, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, енгил ва тўқимачилик саноатларида ҳам катта ўсишлар бўляпти. Чет эл сармоядорлари билан ҳамкорликда янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиляпти. Маҳаллий кадрлар билан таъминлаш ишлари ҳам ҳавас қилса арзигулик.

Секин-аста халқларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам қарор топиб бораяпти. Яқинда Фарғонага Ўш вилояти губернатори Темур Акматалиев ташриф буюриб, яқин қўшничилик, маданий, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида келишиб олди.

Тўққиз йиллик изланиш, тинимсиз ижодий, фидойи меҳнат туфайли қийинчиликлар мардонавор енгиб ўтиляпти. Ҳамма соҳаларда ислоҳотлар собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон телевидениесидан «Умид қалдирғочлари» кўрсатувини томоша қилган эдим. Бу йил ҳам юзларча ёшлар илғор мамлакатларга юборилди. Юрагим энтикади. «Қани энди, менинг болам ҳам шулар қаторида бўлса» деб ўйлайман, орзу қиламан. Ёшларнинг дил сўзларини эшитиб, уларнинг салоҳияти ва билимларининг шоҳиди бўлганимдан Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишончим ортгандан ортаверади. Шундай етук фарзандлари бўлган мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олаётгани бежиз эмаслигини ўйлайман.

Ўзбекистон буюк тараққиётга эришади. Оллоҳ назари тушган диёрга яна бир комил инсонни – тараққиёт асосчиси Ислом Каримовни берди. Уни тарбиялаб вояга етказган халқимга минг таъзим, минг офарин.

Аллома боболаримиз руҳлари мадад берсин Ўзбекистонга!

**Мирзаоит ҒАНИЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Новқат тумани, «Ғанижон» жамоа хўжалиги раиси.**

*Фарғонанинг баҳорий илиқлигу наҳорий тиниқлик инган кўчаларини кезсангиз баҳри дилингиз очилади. Ўз даври ва умрини ўтаб бўлган эски бинолар, чордеворлар ўрнида боғ ва хиёбонлар кўпайиб шаҳар ҳуснига чирой, кўркига кўрк бағишламоқда. Энг муҳими, бу дилтортар кўчаларда турли тилларда гаплашаётган, хилма-хил кийимларда оройиш билан юрган гулгун чеҳраларни, бахтиёр қиёфаларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатнинг, тинчлик ва осойишталикнинг маҳсули эканлигига имон келтирасиз.*

**Саҳифа материалларини Қиёмиддин НАЗАРОВ ва «Халқ сўзи» мухбирлари Набижон СОБИР, Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.**

4

# “ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИДАГИ ЖАННАТМАКОН ДИЁР”

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Чиндан ҳам мамлакатимизнинг Ҳиндистон билан алоқалари узоқ тарихга эга. Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг бу мамлакат тарихи, одамлари ва табиати ҳақидаги қомусий китоблари асрлар давомида қўлма-қўл қилиб ўқилган. Ўнлаб Бухорийлар, Самарқандийлар ва Насафийлар Ҳиндистон заминида яшаб, ижод қилишган. Икки мамлакат ўртасида савдо карвонлари тўхтовсиз қатнаб турган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтган асрда деярли барча катта-кичик шаҳарларимизда ҳинд тожирларининг дўконлари бўлган. Фақатгина Қизил империя давридаги “темир пардалар” ўзаро алоқаларни бир муддат кесиб қўйди.

Алок Шекхар ўз мақоласида мамлакатимизнинг саноат соҳасида эришган ютуқларига алоҳида тўхталади. У Жанубий Корея ва Туркия билан ҳамкорликда замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилаётганлигини, 10 мингдан ортиқ катта ва кичик корхоналар фаолият олиб бораётганлигини ёзади. Чет эл инвестициялари учун қулай имкониятлар яратилганлигини ва халқаро обрўли бир қатор йирик компаниялар Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилаётганини таъкидлар экан, ҳиндистонлик ишбилармонларни вақтни бой бермасликка, тезроқ Ўзбекистон бозорига киришга даъват этади.

“Ўзбекистон асосан Марказий Осиёнинг икки катта дарёси — Аму ва Сирдарё ўртасида жойлашган жаннатмакон юрт, — деб ёзади А.Шекхар ўз мақоласи якунида. — Мустақилликдан сўнг ўзбек халқи турли соҳаларда эришган ютуқлар кўламига қараб шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон нафақат МДҲ мамлакатлари орасида, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг муносиб ва обрўли ўрнига эга бўла олди”.

Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида чиқадиган “Радиокурьер” журнали эса Манфред Бартелнинг “Тошкент радиосида меҳмонда” номли мақоласини эълон қилди. “1999 йил август ойида мен Ўзбекистонда саёҳатда бўлдим, — деб ҳикоя қилади муаллиф. — Илгари мен бу республика билан фақат Интернет хабарлари орқали таниш эдим. Бора-бора Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўриш иштиёқи туғилди. Аввало, саёҳат маълумотномаси топишга уриндим. Немис тилида бирор батафсилроқ қўлланма тополмадим. “Одиссей пабликейшн” нашриётида инглиз тилида чоп этилган “Ўзбекистон — Самарқандга олтин йўл” маълумотномаси менга маъқул бўлди. Ўзбекистонга келишдан олдин уни синчиклаб ўргандим...”

Манфред Бартель қисқа тўлқиндаги радио эшиттиришларнинг ашаддий мухлиси сифатида дастлаб Тошкент халқаро радиоси билан алоқа ўрнатди. Радионинг немис тили муҳарририяти таклифини олиб, Ўзбекистонга сафар қилди. Мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида бўлди, одамлар билан суҳбатлашди, Тошкент халқаро радиоси фаолияти билан танишди.

“Самолёт ерга қўниш пайтидаёқ Тошкент жуда катта шаҳар эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин, — деб ёзади М.Бартель ўз мақоласида. — Тошкентга етиб келганимизда оқшом чўккан, чексиз-чегарасиз чироқлар денгизи кўзга ташланарди. Шаҳар кўчаларидан ўтарканман, улар кенг ва шинам эканлигига эътибор бердим. Германияда бундай кенг ва дарахтларга бурканган кўчалар йўқ. Айниқса, шаҳарнинг ям-яшил хиёбонлари ва фавворалари мени ҳайратга солди...”.

М.Бартель журналхонларни Ўзбекистоннинг қисқача тарихи ва бугунги куни билан таништиради, мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Энг муҳими, ўз таассуротларини самимий ва қизиқарли тарзда баён этади.

Кейинги пайтда Интернет орқали ёзишмалар урф бўлиб қолди. Мамлакатимиз мухлислари бу қулай ва тезкор алоқа воситасидан ҳам унумли фойдаланаяптилар. Расмий идораларимизнинг Интернет адресларига келаётган кўплаб хатлар ана шундан далолат беради. Бу мактубларда билдирилаётган самимий дил сўзлари кишини бефарқ қолдирмайди. Масалан, яқинда хат йўллаган бразилиялик Люсиана Коста шундай ёзади:

“ Мен шу йил март ойида Ўзбекистонда бўлган эдим. Ҳаётимнинг энг гўзал таассуротларига эга бўлдим, дея оламан. Дастлаб Ўзбекистон ҳақида АҚШнинг Флорида штатидаги ўзим ўқиётган Стетсон университетида эшитган эдим. Энди ўз кўрганларимни дўстларимга марoқ билан сўзлаб бермоқдаман. Насиб этса, декабр ойида яна Ўзбекистонга бормоқчиман. Меҳмондўстлигингиз учун ташаккур. Тез орада кўришгунча”.

Ҳа, мамлакатимизнинг хориждаги дўстлари даврасi тобора кенгаймоқда. Халқ дипломатияси, яъни оддий одамларнинг ўзаро борди-келдилари мамлакатлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг синалган восита эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Озод Ўзбекистон дарвозалари ҳам, халқимизнинг кўнгли ҳам яхши ният билан етти иқлимдан келаётган меҳмонлар учун ҳамиша очиқ.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**

# УЛГУРЖИ БОЗОРЛАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЯПТИ?

Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорларининг ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда Тошкент шаҳридаги улгуржи бозорлар акциядорлик жамиятлари раислари, солиқ, божхона ва ҳуқуқ идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари М. Усмонов бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритилиши билан бир қаторда, улгуржи бозорлар фаолиятини янада яхшилаш, савдо-сотиқ тизимини такомиллаштириш, аҳолига арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш борасида ҳам талай тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Айни вақтда жойларда жаҳон андозалари асосида ҳудудий улгуржи бозорлар мажмуи барпо этилаётгани диққатга сазовордир. Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида пухта ишланган лойиҳа асосида кўркам, шинам ва қулай бозорлар қурилиши жадал суратда давом эттирилмоқда.

Бироқ бу ишга ҳамма жойда ҳам етарлича эътибор қаратилмаётир. Хусусан, улгуржи бозорлар қуриш учун қулай жой танлаш, бизнес режага мувофиқ кредит олиш каби омиллардан унумли фойдаланилмаяпти. Акциялар сотиш, дивиденд тўлаш, мавжуд маблағларни мақсадли йўналтириш талаб даражасида эмас. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ҳанузгача ҳукуматимизнинг номлари зикр этилган қарорлари асосида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган.

Шу куни йиғилиш қатнашчилари пойтахтимизда барпо этилган Бектемир улгуржи бозори, Олой балиқ бозори ҳамда Юнусобод деҳқон бозорида бўлиб, уларнинг қурилиши ва иш фаолияти билан яқиндан танишишди.

**(ЎзА)**

# ЛОНДОНДА ХОНАТЛАСНИНГ ЖИЛВАСИ



Ўтган ҳафта Британия музейида тўқимачилик соҳасида дизайн ва маркетинг борасида 150 мутахассис иштирокида «Ўрта Осиё тўқимачилиги» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Британия этнографик музейи департаменти томонидан ташкил этилган ушбу семинар «Ўрта Осиё маданияти: тарихи, анъана ва санъати»га оид қатор махсус семинарлар дастури билан ниҳоясига етди.

Лондон шаҳрида жойлашган Қироллик санъат коллежи ходими Филлип Уоткинс хонимнинг «Ўзбекистонда ипак ва атлас матоларни тайёрлаш анъанавий маҳоратининг ривожланиш тарихи ва истиқболи»га оид чиқиши йиғилганларда ўзига хос қизиқиш уйғотди. У Марғилон шаҳридаги бир қанча кичик корхоналар билан ҳамкорликда хориж бозорларига маҳсулот етказиш учун анъанавий тўқимачилик маҳсулотини ғарб истеъмолчиларининг талабига мослаштириш билан боғлиқ Британия Кенгаши дастури лойиҳасида иштирок этишини айтди.

Инглиз мутахассисининг фикрига кўра, ушбу гўзал, нафис ипак атлас матолар Буюк Британияда тижорий муваффақиятга эришиш учун барча имкониятларга эга.

Семинарда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг анъанавий тўқимачилик маҳсулотларидан намуналар — сўзана, атлас матолар, чопон ва дўппилари намойиш қилинди.

Британия музейида Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлари тўқимачилик саноатига бағишланган семинар Британия жамоатчилигининг ушбу минтақа халқларининг маданияти ва анъаналарига қизиқишининг янада ортиб бораётганлигидан далолат беради.

**«Жаҳон» АА, Лондон**

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЗАРУР

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Қонунларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари ва такомиллаштириш йўллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Германия Ф.Эберт номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси бюроси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Суҳбат давомида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари М.Ҳожимуҳамедовнинг «Жамоатчилик фикри қонунлар амалга оширилишининг индикатори сифатида», Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидовнинг «Учинчи сектор — нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қонунларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда» ва Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидоваларнинг «Омбудсман ва жамоатчилик назорати» мавзусидаги маърузалари долзарблиги билан йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Учрашув сўнгида маърузачи ва иштирокчилар томонидан кўтарилган муаммолар бўйича фикр алмашиниб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Бундай давра суҳбатларини келгусида кўпроқ уюштириш масаласида келишилиб олинди.

**Эркин МАВЛОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНДИ ФЕРМЕР КИМГА ИШОНСИН?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шарифбой Норбоев ҳозир 56 ёшда. Хоразм вилояти Урганч туманидаги Сотим Қаландаров номли жамоа хўжалигининг Ғойбу қишлоғида яшайди. У 37 йил мобайнида шу хўжаликнинг 9-бригадасида аввал колхозчи, механизаторлар курсини битирганидан кейин тракторчи бўлиб ишлади. 1998 йилда эса яхши ният билан фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида Сотим Қаландаров номли жамоа хўжалиги бошқарувига ёзма равишда мурожаат қилди, яъни ариза берди. Бу "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мос эди. Ва унинг хоҳиш-истагини ҳамқишлоқлари, маҳалла-кўй тўғри тушунишди. "Фермер бўлса, киройи шундай меҳнаткаш деҳқон бўлсин", дейишди улар. Негаки, ёшуллининг ўзи даланинг ичида катта бўлган, деҳқончилик соҳасида катта тажрибага эга. 8 нафар фарзанди бор. Агар келинлари, меҳнатга яроқли неваралари ҳам ҳисобга олинса, оилада 16 киши яшайди. Бу ҳазилакам жамоа эмас, ахир! Устига-устак, отанинг шахсий трактори, тележкаси ва машинаси мавжуд.

Бироқ "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонун талабларини "сувдай ичиб юборган" мутасаддилар Йўлбошчимизнинг "Қонун аграр соҳа вакили учун тушов эмас, аксинча, имконият яратиши, унга қувват ва мададкор бўлиши керак" деган ўгитини унутиб, отага... "Тракторчига фермер бўлишликни ким қўйибди!" қабилида муносабатда бўлдилар. Бошқарувдагилар туман ҳокимлигига, ҳокимликдагилар Ғойбу қишлоқ фуқаролар йиғинига, йиғин раиси Отабой Қаландаров эса яна хўжалик бошқарувига юборди... Шу тариқа Шарифбой оғанинг тарвузи қўлтиғидан тушди-ю, лекин юрагидаги чўғ сўнмади, "Сўнмайди ҳам!" — деди у ўзига-ўзи далда бериб. Ва шундан сўнг, 1999 йилнинг 23 февралида ёшулли "Халқ сўзи" газетасига шикоят хати йўллади. Таҳририят бу масалага аралашгач, ниҳоят, муз жойидан кўчди. Мана, С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги аъзолари вакилларининг йиғилиши баённомасидан кўчирма:

## БАЁННОМА

**1999 йил 10 апрел — N3 — Ғойбу қишлоғи**

Йиғилишда ваколатли вакилларнинг 330 нафар аъзосидан 321 нафари иштирок этди.

Кун тартиби :

*1. С. Қаландаров номли жамоа хўжалигининг 9-бригадасида яшовчи Норбоев Шарифбойнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони сўраб ёзган аризаси ҳақида.*

*Эшитилди:*

*Кун тартибидаги масала юзасидан жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Д. Ражабов сўзга чиқиб, хўжаликнинг 9-бригадасида яшовчи Норбоев Шарифбойнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони сўраб ёзган аризасини ўқиб эшиттирди.*

*Аризагўйнинг оилавий шароити ва унинг оиласидаги ишга яроқли одамлар сони, техникаси борлиги атрофлича муҳокама қилинди, Шундан сўнг раис Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармонларини амалда бажариш учун, келгусида халқимизга арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мақсадида Норбоев Шарифбойга фермер хўжалиги ташкил қилиши учун 10 гектар ер майдони ажратиб беришни таклиф қилди.*

*Музокарада сўзга чиққан бош зоотехник Ўрозметов Қодир, қишлоқ хўжалик ишлари бўйича раис муовини Рўзметов Йўлдошлар юқоридаги таклифни маъқуллаб гапирдилар.*

*Юқоридагиларга асосан вакиллар йиғилиши қарор қилади:*

*1. С. Каландаров номли жамоа хўжалигининг 9-бригадасида яшовчи Норбоев Шарифбойга фермер хўжалиги ташкил қилиши учун 10 гектар экин майдони ажратиб берилсин.*

*2. Ушбу қарорнинг тасдиғи Урганч тумани ҳокимидан сўралсин.*

**Йиғилиш раиси: Д. РАЖАБОВ.**
**Йиғилиш котиби: Р. ОТАХОНОВ.**

Орадан 3 ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Ғойбу қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам шу қарорни маъқуллаб, тасдиқлади (1999 йил 16 июл, 13-қарор, имзо, раис О. Қаландаров).

Шу ўринда газетхон сўраши мумкин: ниҳоят, Шарифбой Норбоевнинг фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олингандир? Биз ҳам бу масала аллақачон ижобий ҳал этилган бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Аммо...

Кутилмаганда, 2000 йилнинг 4 январида таҳририятга яна Шарифбой Норбоев номидан 47 варақдан иборат шикоят хати, 6 январ куни эса шошилинчнома келди (Шикоят хати ва шошилинчномага бу гал унинг ўғли, байналмилал жангчи Отабой Норбоев ҳам имзо чеккан эди). Мухтасар мазмуни шундай: "Икки йилдан буён сарсон-саргардонмиз. Фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида барча зарур ҳужжатларни тайёрлаган бўлишимизга қарамай, бу масала ҳал этилмаяпти. Ёрдам беришларингизни сўраймиз". Нима гап?

Суриштирув давомида қуйидагилар аниқланди.

Аввало, шуни айтиш керакки, суҳбат асносида Шарифбой Норбоевнинг фермер хўжалигини ташкил этиши, шу мақсадда унга ер ажратиб берилишини Сотим Қаландаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Давлатназар Ражабов ҳам, туман ҳокими ўринбосари – назорат инспекцияси раҳбари Равил Разумов ҳам, ҳатто фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси аъзоларининг кўпчилиги ҳам қўллаб-қувватлади. Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси томонидан эса бу ҳақда далолатнома тузилгани, 1999 йил 27 ноябрда у туман ҳокимига тақдим қилингани ҳам ҳақиқат. Бироқ муаммонинг ҳал этилишига фақат ҳоким Қ.Нуниёзов ва унинг биринчи ўринбосари Р. Зоирхонов қаршилик қилишаяпти. Ачинарлиси, жумладан, ҳоким томонидан билдирилган эътирозлар билан бу эътирозларни инкор этувчи далиллар тарози паллаларига қўйилса, иккинчиси кўпроқ тош босиши ойдинлашади.

Мазкур масалага тўхталишдан аввал газетхонга бир воқеа хусусида изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Шарифбой Норбоев иш юришавермагач, "Халқ сўзи" газетасидан ташқари республиканинг юқори ташкилотларига ҳам шикоят хати ва шошилинчнома йўллашга мажбур бўлган эди. Шу муносабат билан туман ҳокими номидан 2000 йил 15 февралда Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожоновга "Норбоев Шарифбойнинг телеграммасини кўриб чиқиш натижалари ҳақида"ги 54-сонли хат жўнатилади. 2000 йил 15 феврал... Бу санани эслаб қолинг. Чунки биз қуйида келтираётган эътирозлар, ҳатто далилларнинг бир қисми ҳам айнан шу хатдан, шунингдек, "Вилоят ҳокимига. Урганч тумани ҳокимлиги томонидан юборилган 54-сонли ёзишмасига қўшимча маълумот" деб номланувчи ҳужжат матнидан олинган.

**Эътироз.** "Фуқаро Ш. Норбоев туман ҳокими номига фермер хўжалигини ташкил этиш учун ёзма равишда мурожаат қилмаган, шунинг учун унинг аризаси туман ҳокимлигида кўриб чиқилмаган", дейилади "Қўшимча маълумот"да.

**Далил.** Қизиқ, ариза ёзма мурожаат дегани эмасми? "Унинг аризаси туман ҳокимлигида кўриб чиқилмаган"и бошқа масала, аммо у ҳақиқатан ҳам мавжуд: "Фуқаро Норбоев Шарифбойнинг туман ҳокимига ёзган аризаси 1999 йил 27 апрел куни № 3-178"2" В-рақам билан қайд қилинган" (54-сонли хатдан).

Буни қандай тушуниш мумкин? Бу ҳокимнинг ўзига ўзи зид фикр билдирганини англатмайдими?

**Эътироз.** "Фуқаро Ш. Норбоевнинг С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги бошқарувига ёзган аризасида сўралаётган ер участкасининг ўлчами, жойи, майдони... кўрсатилмаган" ("Қўшимча маълумот"дан).

**Далил.** Одатда бу маълумотлар умумий йиғилиш қароридан кейин аниқ бўлмайдими? Буни хўжалик бошқарувидагилар тўғри тушунган кўринадилар. Ваколатли вакилларнинг йиғилиши Норбоев Шарифбойга аризаси асосида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 10 гектар экин майдони ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилгач, мутахассислар шу ернинг схемасини чизиб берган эди. Ва бу ҳужжат бошқарув раиси имзоси ва муҳр билан тасдиқланган бўлиб, Ш. Норбоев уни ўнлаб нусхада кўчирган ҳолда бир йилдан буён сақлаб юрибди.

**Эътироз.** "Ариза С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилишида кўрилганда, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг фермер хўжаликларига меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ерлар берилиши ҳақидаги талаби бажарилмаган. Яъни, С. Қаландаров номли жамоа хўжалигининг жами 1700 гектар ери мавжуд бўлиб, 21000 аҳоли истиқомат қилишига қарамасдан, туман комиссияси ўз хулосасини берган" ("Қўшимча маълумот"дан).

**Далил.** Қонунни тўлиқ ўқиш керак. Ахир қонуннинг 2-боб, 9-моддасида яна "Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин", деб ёзиб қўйилган-ку? Гап шундаки, С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги давлатдан 60 миллион 489 минг сўм қарздор. Нима учун зарар кўриб ишлаётган ана шу хўжаликнинг ерларини Шарифбой акадек тажрибали деҳқонларга, фермерларга бўлиб бериш мумкин эмас?

Қолаверса, Шарифбой оға нафақат деҳқончилик йўналишида, балки чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини тузишга ҳам рози. Бунинг учун оилада етарли шароит ва имкониятлар мавжуд. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош зоотехниги Ж. Бекчонов, ер ресурслари хизмати мутахассиси Д. Мирзаев, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ходими Ф. Умаров ва О. Норбоевлар томонидан 1999 йил 27 ноябрда ёзилган далолатномада қайд этилишича, унинг тасаррувида 35 бош қорамол, шу жумладан, 14 бош сигир, 3 бош буқа, 18 бош бузоқ, 10 бош қўй ва 25 дона парранда бор. Бу – 30,5 шартли бош чорва моли дегани. Қонунда ҳам "Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади", деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, нега ташаббускор тадбиркорга ёрдам бермаслик керак? Агар у фермер бўлса, тонналаб гўшт ва сут етиштирган ҳолда, оиласига ҳам, давлатга ҳам наф келтиради-ку! Ҳозирча ёшулли ана шу қорамолларни бозордан ва одамлардан сотиб олинган хашак ва ем ҳисобига боқмоқда. Қўлдан берганга қуш ҳам тўймаслиги маълум, ахир.

Буларни туман ҳокими билмасмиди? Билади, албатта. Аммо Ш. Норбоев "шикоятчи" бўлгани учун, унинг фермер бўлишини истамайди. Шу боис турли баҳонаю важ-карсонларни ўйлаб топади, керак бўлса, рўкач қилади. Отанинг ўз ниятига эришиш йўлида икки йилдан бери сарсон-саргардон бўлаётгани билан унинг неча пуллик иши бор?

– 47 нафар фуқаро С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги бошқарувига фермер хўжалиги тузиш учун ер майдони сўраб ариза берган, – деди Қадамбой Нуниёзов пировардида. – Ушбу аризалар қаноатлантирилган тақдирда хўжаликнинг ихтиёридаги ерлар 500 гектарга камаяди. У ҳолда 60 миллион 489 минг сўм қарзнинг тўланиши аро йўлда қолади. Шуни ҳисобга олиб, бошқарув 2000 йил 29 январда 47 нафар фуқарога, шу жумладан, Ш. Норбоевга ҳам икки томонлама тузилган шартнома асосида бир йил синов муддати ва шартлар билан ер майдонлари ажратиб берилиши тўғрисида 2-сонли қарор қабул қилди. Ҳокимликда эса аризагўй Ш. Норбоевга ушбу қарорга амал қилиш зарурлиги тушунтирилди.

Дарвоқе, ҳоким тилга олган шартлар нималардан иборат? Дейлик, Ш. Норбоев бир йил муддатга хўжалик ичидаги фермер бўлади, унга 10 гектар ер берилади. Шу майдонга жамоа хўжалигининг режаси бўйича деҳқончилик экинлари экади. Бунинг эвазига, аввало, бир қути ипак қурти боқиб, 90 килограмм пилла топшириши шарт. Иккинчидан, хўжалик қарзини узиш мақсадида 10 гектар учун 600 минг сўм нақд пулни кассага тўлаб, паттани бухгалтерияга топшириши зарур. Ахир бу фермернинг оёғига урилган тушов, унинг кимларнингдир манфаати йўлида "ем" бўлиши эмасми?

– Бир хонадонда 16 нафар жон яшасак, пилла қурти боқишга шароит ва имкониятлар бўладими? – дейди Шарифбой ака куйиниб. – Қолаверса, 600 минг сўм нақд пулни қаердан топаман? Нима учун раҳбарлар аввалроқ хўжаликда шунча қарзнинг пайдо бўлишига йўл қўйдилар? Бу қарзнинг биз, фермерларга нима алоқаси бор? Сабаби аён: агар 47 нафар фермер 500 гектар ернинг ҳар гектари учун олдиндан 60 минг сўмдан, жами 30 миллион сўм тўласа, раҳбар дегани кузда бошини ҳам қилиб ўтирмайди: шунча майдондаги ҳосилдан келадиган даромад эмас, балки нақд фойда баҳордаёқ қўлга киритилган бўлади-да. Бундан "қўшиб ёзиш" иллатининг бадҳўр иси келмаяптими?..

Бошқа фермерлардан ҳам шу фикрни эшитдик. "Ариза берган 47 нафар фуқародан атиги 16 таси бошқарув қарорига рози бўлишди. Улар ҳам иккиланиб юришибди", – дейишди улар.

Бу масаладан туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчисиц Н. Нурмонов ҳам хабардор экан. У бундай деди:

– Шарифбой Норбоев ва Отабой Норбоев бизга ҳам тадбиркорлик ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганидан норози бўлиб мурожаат қилган эди. Гап бундай. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг талабларига асосан, фуқаро томонидан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси сўраб туман ҳокимига берилган ариза 35 кун ичида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилиниши лозим. Шунингдек, қарор қабул қилингандан кейин 10 кун ичида фермер хўжалигига ажратилган ер унинг олдинги эгаси балансидан чиқарилиши, фермерга натура ҳолида берилиши ва ҳужжатлар топширилиши зарур. Яъни, Қонунда фермер хўжалиги билан боғлиқ масалалар 55 кун ичида ҳал қилиниши белгилаб қўйилган. Лекин Ш. Норбоевнинг аризаси туман ҳокимлигида қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилмаган, демак, у қонуний ҳал қилинмаган.

С. Қаландаров номли жамоа хўжалиги аъзолари йиғилишининг 2-сонли қарорига келсак (2000 йил 29 январ), бу ҳам қонунга зиддир. Шунинг учун ушбу қарор туман прокурорининг протести билан бекор қилинди. Аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

Ана шунақа гаплар. Аммо Шарифбой Норбоев ҳозирча кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, ҳамон икки ўт ўртасида муаллақ турибди: ҳокимнинг важларига ишонсинми ёки туман прокурорининг протестига?

– Сиз яна юқори ташкилотларга шикоят хати ёзасизми? – деб сўрадим ундан.

– Ёзаман! – деди у қатъий. – Мендақа умри бўйи деҳқон бўлиб ўтган одам фермер бўлмагунимча ёзавераман. Барибир ҳақиқат қарор топишига ишонаман...

Шунда беихтиёр ҳокимнинг "Агар Шариф акага фермер мақомини бериб, унга ер ажратсак, хўжаликдаги бошқа ариза берганлар ҳам хат ёзишга тушадилар... Шунисидан ҳадикдаман", деган сўзлари ёдимга тушди. Э, Қадамбой оға, ҳадиксирамаслик учун одамлар дардига қулоқ солиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини жойида ҳал этиб, ўз ҳаёти, халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаш йўлида эмин-эркин ишлашларига етарли шароит яратиб бериш лозим. Яъни, раҳбар дегани Адолат деган буюк қоидага қатъий риоя қилиши зарур. Шунда турли идора ва ташкилотлар ходимларининг қимматли вақтларини оладиган ёзишмалару шикоятларга ўрин қолмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, "хатбозлик бизга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган ва келтирмайди ҳам. У фақат муҳитни бузади, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди, оқибатда эл-юртдан файз, барака кўтарилади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди".

**Икром ЎТБОСАРОВ, "Халқ сўзи"нинг махсус мухбири.**

ЁШЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ

«ЯНГИ АВЛОД» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ

таклиф этади

**Йилига 36% даромад келтирадиган** омонатга маблағлар шу йил 17 апрелдан 20 декабргача қабул қилинади (даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).

Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар қўйилмангизга қўшилиб боради, фоизлар эса капиталлаштирилади.

Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади.
Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.

**«Таътил» омонати** (3 ой муддатли) **бўйича фоиз ставкалари оширилиб, йилига 36%, ҳар ойда капиталлаштириш эса - йилига 42,6% бўлганлиги тўғрисида ҳам маълум қиламиз.**

*Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.*

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

NBU

2762

# «ЕМЧИ»НИНГ СУТ БУЛОҚЛАРИ



Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг қандай кучга қодирлигини амалда исботлаган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Бойсунлик фермер, «Шуҳрат» медали нишондори Нормурод Алланазаров — шулардан бири. Бугунги кунда у раҳбарлик қилаётган «Емчи» фермер хўжалигида 270 бош қорамол парвариш қилинмоқда.

Ўтган йили ишбилармонлар давлатга 218 тонна серқаймоқ сут сотишган эди. Бу йил ана шу кўрсаткич 250 тоннага етказилади. Шу мақсадда ҳар бош сигирдан 9-10 килограммдан сут соғиб олинаётир.

Фермер хўжалиги тасарруфида 250 гектар ер бор. Бу майдонларда ҳар йили тонналаб ғалла ва озуқа етиштирилаяпти. Шу боис фермерлар ем-хашак масаласида ҳали бирор муаммога дуч келганлари йўқ.



СУРАТЛАРДА: сут соғувчилар Сайёра Алланазарова, Жонгул Давлатова, Раъно Давлатова, Раъно Алланазарова ва Дилноза Хурсанованинг иш куни бошланди; фермер хўжалиги бошлиғи Нормурод Алланазаров.

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**

# СЎЗИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН...

## берилган ваъда, айтилган каломга вафо — лафзи ҳалолликдир

Ҳар бир айтилган яхши сўз ўз вақтида адо этилса, ваъдалар бажарилса — оилалар бахти, жамиятимиз фаровонлиги таъминлангусидир. Йигитлар қизларга ваъда берадилар. Ота-оналар фарзандларига, фарзанд эса ота-оналарига, раҳбарлар ўз меҳнат жамоаларига, халққа ваъда берадилар. Ҳаммаси ҳам бажариладими? Афсуски, сўзининг устидан чиқмайдиганлар ҳам бор. Улар ён-веримизда бамайлихотир яшаб юришипти. Бу билан манфаатимиз йўлидаги режаларнинг барбод бўлишига сабабчи бўлиб қолаяптилар.

Бобомиз Хусайн Бойқаро буюк Алишер Навоийга мактуб ёзиб, унга муҳим топшириқлар берар экан, шундай дейди:

*Қанча баланд тутсангиз сўзингизни,*
*Ондин баланд тутгаймиз ўзингизни.*

Қаранг, сўзи баландининг, яъни сўзининг устидан чиққаннинг ўзи ҳам баланд бўлгусидир. Обрўсига обрў қўшилгусидир.Ва аксинча сўзи ерда қолганнинг, сўзи пастнинг юзи қаро бўлиши тайин.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари» асарида шундай ёзади: «Айтилган ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қайси бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан ҳеч қандай баҳра ололмайди.

Биринчидан, у ўз сўзига эга бўлсин...» деб давом этади саркарда ва ўн икки фазилатни бир-бир санайди.

Ўз сўзи? Нақадар чуқур маънога, аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам Амир Темур подшоҳликнинг биринчи шарти деб ўз сўзига эга бўлмоқликни таъкидлагани бежиз эмас.

Ҳа, ҳар бир раҳбар ўз иш жойида, ҳар бир йигит ўз оиласида ҳоким. Агар сўзида вафо-ю, таъсир қолмаса, айтганининг уддасидан чиқмаса — унинг на оилада, на иш жойида обрўси қолади. Унинг сўзига, ваъдасига энди ҳеч ким ишонмай қўяди. У оилада, жамоада ҳурмат-эътиборини йўқотади. Сўзнинг субути, айниқса, фарзандлар олдида оқланиши керак. Ота «Ичишни ташладим» деб эртасига яна чайқалиб келса — фарзандлари олдида бебурд бўлиб қолади. Ҳурмату эътиқодга путур етади. Рўзғордан барака кўтарилади.

Битта гапирадиган раҳбарлар, сўзининг устидан чиқадиган йигитлар кўп. Лекин баъзиларни кузатаман, қоп-қоп ваъда берадилару уни адо этолмайдилар. Сабабини сўрасангиз, «Иложи бўлмай қолди», деб осонгина қутулмоқчи бўладилар. Йигитнинг сўзи ерда қолиб, оёқости бўлганини ўйламайдилар. Яхшиси, ҳар бир ваъдани аввал обдон ўйлаб, мустаҳкам асос яратиб, кейин ошкор этилса ва унинг уддасидан чиқиш учун керак бўлса жонни фидо қилгудек ғайрат кўрсатилса — олам гулистон бўларди-ку.

«Йигитнинг сўзи ерда қолгунча, арслоннинг бўйни узилсин!» Халқимизнинг ҳар бир нақлида жуда катта маъно бор. Ҳа, арслон осонликча бўйин эгмайди. Демак, йигит арслондан кучли бўлсин ва қўлидан келмаса ваъда бермасин. Бўйни эгилмасин. Раислар, ҳокимлар, депутатлар халқ олдидаги бурчларини, ваъдаларини, тузган дастуриламалларининг устидан чиқишга ҳаракат қилсинлар.

Муқаддас «Қуръони карим»да инсоннинг қатор вазифалари, бурчлари саналиб, «аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар... яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир...» дейилади. Бу гапларни ҳар биримиз тумор қилиб тақиб олсак яхши бўларди-да!

**Санъат МАҲМУДОВА.**



# КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

Андижонда «Фьючерс» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтаяпти.

Баҳорий гўзаллик, тароват уфуриб турган шу кунларда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган теннис усталари Андижон теннис кортларига тўпланишди. Саралаш беллашувлари ортда қолди. Кечадан бошлаб асосий босқич старт олди.

—Нуфузли мусобақаларда ўзбекистонлик теннисчиларнинг иштироки қандай?

— Турнирга жиддий тайёргарлик кўрилди, — дейди Андижон теннис клубининг раиси Ю.Қўчқоров. — Маълумки, мусобақаларнинг ҳаққоний ўтишида ҳакамлар савияси, маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёрдамчи ҳакамлар, болбойслар имтиҳондан ўтказилди. Ушбу беллашувларда Дмитрий Томашевич, Дмитрий Мазурга ўхшаш ўн нафар теннис устаси мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Кучлиларнинг кучлисини вақт аниқлаб беради.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири»**

Корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари диққатига!

**«ТашОР» ОТАЖ**

1998 йилгача А-OIM двигателларининг тиклаш фондини топширган буюртмачилар билан солиштирув актларини ўтказмоқда. Солиштирув муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Кўрсатилган муддат ўтиши билан солиштирув актларини топширмаган буюртмачилар ўзлари топширган таъмирлаш фонди қайтарилишига бўлган ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**700147. Тошкент ш., Каримов кўчаси, 5.**
**тел: (998 71) 90-41-75, 90-40-19.**

2811

# ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Навоийда ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаб "Ал-Мотурудий — калом илмининг султони ва ҳидоят имоми" мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Уни Навоий вилоят кончилик институти, вилоят тарихчилар жамияти ва Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда уюштирди. Анжуманда Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ханафий ал-Мотурудий ас-Самарқандийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти, устозу шогирдлари, унинг ислом илмининг ривожида тутган ўрни каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз қарорига кўра бу йил мамлакатимизда аллома таваллуд тўйининг нишонланиши аждодлар меросини ўрганиш, келажак авлодларни бу бебаҳо сарчашмадан баҳраманд этиш ва миллий маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги улкан қадам эканлигини таъкидладилар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири**





# АНТИҚА МУСОБАҚА

Қўшма штатларда минглаб ёш йигит-қизлар антиқа мусобақа ўтказдилар. Улар гимнастик халқани уч кун мобайнида тинмай белларида айлантирдилар. Бироқ рекордлар китобига фақат Роксана Роуз исмли қизнинг номи тиркалди. У халқани ҳеч тўхтатмасдан 90 соат давомида айлантирди.



# ТОВУҚЛАРГА ГАЗЛИ СУВ

Иллинойс дорилфунуни олими Тед Одом кўп йиллардан бери тухум пўчоғини қандай қилиб қаттиқроқ қилиш мумкинлиги юзасидан иш олиб борарди ва охир-оқибат қуйидагича хулосага келди: газли сув тухум пўстини мустаҳкамларкан. Шунинг учун у товуқларга оддий сув ўрнига газли сув беришни тавсия этмоқда. Ана шунда тухумларни транспортга юклаётганда ва тушираётганда чиқиндисиз (синмаган ҳолда) ташиш имкониятига эга бўлинади.



# БИР ЙЎЛА 265 КИШИ...

Италиянинг Эмилия шаҳрида жойлашган Ой-мома боғда жаҳонда энг катта чархпалак ишлаб турибди. Айланаси 60 метр бўлган бу иншоот ердан 62 метр баландликда айланади. 250 киловатт қувват билан ишловчи бу чархпалак ўриндиқларига бир вақтнинг ўзида 265 киши жойлашади.

# БАЛЛИ, ТАДБИРКОРЛАР!



*Сиз ушбу суратларда Наманган туманидаги 21-боғча-гимназияни кўриб турибсиз. Кичкинтойларга аталган кўркам ва муҳташам бино, эртакларнинг сеҳрли дунёсини акс эттирган унинг ҳовлиси, баҳаво хоналарнинг ички безаклари ва жиҳозлари — кўнгилдан чиқариб, ихлос билан қилинган меҳнатнинг меваларидир. Боғча-гимназияни таъмирлаш меҳнатини ва унинг ҳамма харажатларини туман тадбиркорлари ўз зиммаларига олишибди. Демак, Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган ўгитларини қалб мулкига айлантирган ҳимматли инсонлар юртимизда кўпаймоқда. Бир вақтлар кўримсизгина маскан бўлган, бугун эса чирой очиб турган ҳамда 125 нафар болакайлар ўйнаб-кулиб, таълим-тарбия олаётган бу даргоҳга файзу барака ва ҳусн бағишлаганлари учун наманганлик тадбиркорларга биз ҳам кўнгилдан чиқариб: «Раҳмат!» дейиш бурчимиздир.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**



# ЯНГИ БОЗОР

Хўжайлидаги "Жаҳонгир" ҳиссадорлик жамияти ҳузурида бинокорлик материаллари бозори очилди.

Унда мамлакатимиз ва яқин хорижда ишлаб чиқарилган бинокорлик ашёлари: ёғоч-тахта, тунука, металл буюмлар, қурилишда ишлатиладиган бошқа моллар сотилмоқда. Қисқа вақт ичида янги мижозлар сони бир неча баравар ошди. Демак, ана шу минтақада якка тартибда турар жой қуриш кўлами кенгаяди.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**ABN·AMRO Bank**

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда
Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777

**Радио алоқа тизимлари**

**бепул эфир**





**Тел.: (3712) 78-54-70; 78-41-07;**
**Факс: 78-05-03.**

2814

*Тошкент давлат аграр университети ҳисобида бўлган Шеров Ҳусниддин номига берилган ўрта маълумот ҳақида А N 224826-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.*

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий қонунчилик» кафедраси катта ўқитувчиси

**Дилором МУСАМУҲАММЕДОВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси «Ўзбеккино» ДАК раиси ўринбосари И. Эргашевга укаси

**Сайдаҳмад ЭРГАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-Холдинг» компанияси жамоаси Баҳром Носировга волидаи муҳтарамаси

**Робия НОСИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 286,
23728 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 20.40*
1 2 3 4 5 6